

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**59** **Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

«Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш юзасидан ҳамда хавфли юкларни автомобиль транспортида ташишни ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилаш, ташиш жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини тартибга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида ташишга рухсат берилган хавфли юклар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда улар 2011 йил 1 апрелдан амалга киритилсин.

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари талабларига идоравий қарашли ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилинишига доир зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 16 февраль,  
35-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни  
автомобиль транспортида ташиш  
ҚОИДАЛАРИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар шаҳарлар ва аҳоли пунктлари кўчалари, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, шунингдек умумий фойдаланиш учун ёпиқ бўлмаган хўжалик автомобиль йўллари бўйлаб хавфли юклар ва хавфли юкларни ташийдиган автотранспорт воситалари кимга тегишлилигидан қатъи назар, хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини белгилайди ва юкни жўнатувчилар (юкни олувчилар)га хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар учун мажбурийдир ҳамда ташиш жараёни қатнашчиларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини тартибга солади, шунингдек хавфли юкларни ташишга қўйиладиган талабларни, ҳаракат хавфсизлигини, юкларнинг сақланишини таъминлаш шартларини ва хавфли юкларни сифатли ташишнинг бошқа меъёрларини белгилайди.

Хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Автомобиль транспорти тўғри-

сида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, халқаро шартномалар ва ушбу Қоидалар билан белгиланади.

2. Ушбу Қоидаларда «Автомобиль транспорти тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган терминлар ва тушунчалар, шунингдек қуйидаги қўшимча терминлар ва тушунчалар қўлланилади:

**кузов-цистернали автотранспорт воситаси** — суюқ ва сочилувчи юкларнинг айрим турларини ташиш учун автотранспорт воситаси;

**контейнер-цистерна (танк-контейнер)** — транспортнинг ҳар хил турларида (денгиз (дарё), темир йўл ва автомобиль йўли) суюқ кимёвий ва озиқ-овқат маҳсулотларини, нефть ва нефть маҳсулотларини, шунингдек суюлтирилган газларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган ҳамда бир транспорт воситасидан бошқа транспорт воситасига механизациялаштирилган қайта юклаш учун мослаштирилган стандартлаштирилган, кўп айланмали, мултимодаль транспорт бирлиги;

**ҳайдовчи** — ташувчининг вакили ҳисобланган ва автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

**юкни жўнатувчи** — юкнинг мулкдори номидан иш кўрадиган ёки ташиш шартномаси бўйича мулкнинг мулкдори ҳисобланган жисмоний ёки юридик шахс;

**юкни олувчи** — юкни ва юкка илова ҳужжатларида кўрсатилганларни олиш ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**юк** — юкни олувчига бериш учун юкни жўнатувчидан ташиш учун қабул қилиб олинган моддий бойликлар. Юк товар ва идишдан иборат бўлади. Юкнинг соф оғирлиги «нетто», идишнинг оғирлиги — «идиш», идиш билан товарнинг умумий оғирлиги эса «брутто» деб аталади;

**товар тусидаги юк** — юк, у бўйича юкни жўнатувчилар (юкни олувчилар) томонидан товар-моддий бойликларнинг омборхона ҳисоби юритилади;

**товар тусига эга бўлмаган юк** — улар бўйича омборхона ҳисоби юритилмайдиган, бироқ ўлчаш, тортиб кўриш, геодезик ўлчаш йўли билан ташиш жараёнида ҳисобга олиш ташкил этилган идишсиз ташиладиган юкларнинг тури (грунт, глина, шағал, ахлат);

**юк ўрни** — автотранспорт воситасига ортишда ёки ундан туширишда юкни ташиш ёки юкни олувчига топшириш учун қабул қилиш учун юкнинг шартли бирлиги;

**юк олиб бориладиган пункт** — юклар жамланадиган жой;

**буюртмачи, мижоз** — юкни жўнатувчи, юкни олувчи, экспедитор;

**ваколатли органлар** — хавфли юкларни ташишга рухсатнома бериш бўйича асосли хулосалар берадиган органлар (Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда ташиладиган хавфли юкнинг тури ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа ташкилотлар);

**ШЧК** (шошилиш чоралар коди) — хавфли юкларни ташишда авариялар ёки нохуш ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларнинг ҳарфли-рақамли коди;

**хавфли юклар** — ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлгани тақдирда ташиш, юк ортиш-тушириш ишлари жараёнида ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бино ва иншоотлар, бошқа объектларнинг портлаши, ёниши ёки шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар, чиқиндилар;

**алоҳида хавфли юклар** — ташишда эҳтиёткорликнинг алоҳида чораларини талаб этадиган хавфлиликнинг юқори даражасидаги физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган моддалар ва материаллар (ушбу Қоидаларга 1-илова\*);

**йўналиш** — юк пунктлари ўртасидаги автотранспорт воситаси ҳаракатининг олдиндан ишлаб чиқилган, энг мақбул йўли;

**тиркама** — автотранспорт воситаси томонидан тортиладиган ва ўзининг энергия манбаига эга бўлмаган юкларни ташиш учун хизмат қиладиган автотранспорт воситаси;

**ярим тиркама** — тиркама тури, унинг тўлиқ массасининг бир қисми тиркаш ёстиқчаси — тиркама қурилма орқали эгар шатакчига ўтказилади;

**ташувчи** — автотранспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асослар бўйича эгалик қиладиган, тижорат асосида юкларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган ва бунинг учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**йўл варақаси** — автотранспорт воситаси ишини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун белгиланган намунадаги юридик ҳужжат;

**хавф тўғрисидаги ахборот тизими (ХТАТ)** — автотранспорт воситасининг хавфли юклар билан ҳаракатланишида хавфдан хабар берувчи ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) ва бошқа нохуш ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш тадбирларини белгилайдиган тизим;

**пакетлаштириш воситаси** — юкларни оқилона ташиш ҳамда ортиш-тушириш ишларини яхшилаш ва арзонлаштириш, шунингдек транспортнинг барча турларида ташишда юкларнинг яхши сақланиши учун мослама ҳисобланадиган ва идиш ҳисобланмайдиган восита;

**идиш** — ташиш, сақлаш ва ортиш-тушириш операцияларида маҳсулотлар ва товарларни жойлаштиришга ва уларнинг сақланишини таъминлашга мўлжалланган буюмдан иборат ўраб-жойлаштиришнинг асосий элементи;

**ўраб-жойлаштириш** — ичига жойлаштирилган маҳсулотлар ва товарлардан ажратилмайдиган буюм, маҳсулотлар ва товарлар буюмнинг зарур анжоми ҳисобланади ҳамда унда товарлар ва маҳсулотлар сақланиши ва уларнинг сифатли ва миқдорий сақланишини таъминлаш учун хизмат қилади;

**товар-транспорт ҳужжатлари** — ҳужжатлар комплекти, шу жумладан счёт-фактура, улар асосида юкни ҳисобга олиш, қабул қилиш, бериш, ташиш, топшириш ҳамда транспорт жараёнининг қатнашчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади;

**товар-транспорт юк хати** — товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришга, уларнинг йўлдаги жойи ўзгаришини ҳисобга олиш, қирим қилиш, омборхона, тезкор ва бухгалтерия ҳисоби учун, шунингдек юкни ташиш учун

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

ҳисоб-китоб қилиш ва бажарилган ишни ҳисобга олиш учун мўлжалланган транспорт жараёнининг барча қатнашчилари учун ягона бўлган ҳужжат;

**БМТ рўйхати бўйича модданинг тартиб рақами** — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавfli юкларни ташиш бўйича Экспертлар қўмитаси томонидан энг кўп ташиладиган хавfli моддаларга берилган тартиб рақами.

3. Хавfli юклар халқаро меъёрлар талаблари бўйича хавfli юклар таснифи бўйича тақсимланади (ушбу Қоидаларга 2-илова\*):

1-даража — портловчи моддалар (ПМ);

2-даража — сиқилган, суюлтирилган ва босим остида эритилган газлар;

3-даража — енгил алангаланадиган суюқликлар (ЕАС);

4-даража — енгил алангаланадиган қаттиқ моддалар (ЕАҚМ), ўзидан ўзи ёнадиган моддалар (ЎЎЁМ), сув билан ўзаро алоқада алангаланувчи газларни ажратиб чиқарадиган моддалар;

5-даража — оксидловчи моддалар (ОМ) ва органик пероксидлар;

6-даража — заҳарли моддалар (ЗМ) ва инфицирланган моддалар (ИМ);

7-даража — радиоактив материаллар (РМ);

8-даража — ўювчи ва (ёки) коррозия моддалар (ЎК);

9-даража — бошқа хавfli моддалар.

## II. Хавfli юкларни ташишнинг алоҳида шартлари

4. Хавfli юкларни автотранспорт воситаларида ташиш шартномаси асосида амалга оширилади. Унга мувофиқ ташувчи унга юкни жўнатувчи томонидан ишониб топширилган юкни олиб бориш пунктига етказиш ва уни юкни олувчига бериш мажбуриятини олади, юкни жўнатувчи эса юк ташилганлиги учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

5. Юкни ташувчи юкни ташиш шартномасида назарда тутилган муддатларда етказиб бериши керак. Юкни етказиб бериш муддати енгил бўлмай-диган куч ҳолатларининг амал қилиш вақтига ёки тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича узайтирилиши мумкин. Юк етказиб берилиши кечиктирилиши тўғрисида сабаблари ва кечикиш вақти кўрсатилган ҳолда йўл варақасида белги қўйилади.

6. Ташувчи, агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, шартномани бажариш учун зарур бўлган автотранспорт воситаларининг типлари ва сонини мустақил белгилайди.

Агар юкни жўнатувчини ташувчи томонидан муҳайё қилинган автотранспорт воситаси қониқтирмаса, у ҳолда тегишли далолатнома тузиб ва уни ташувчига бериб автотранспорт воситасини рад этишга ҳақлидир.

7. Хавfli юкларни ташиш учун қўлланиладиган идиш (упаковка) типлари ва параметрлари белгиланган стандартларга ва техник шартларга мувофиқ бўлиши керак.

8. Юкни жўнатувчи томонидан ташиш учун яроқли бўлмаган ҳолатда

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

тақдим этилган ва у томонидан юкнинг ўз вақтида жўнатилишини таъминлайдиган муддатда зарур ҳолатга келтирилмаган юк тақдим этилмаган деб ҳисобланади.

9. Ташувчи, агар қуйидаги ҳолатлар бўйича ташишда юкнинг сақланишини таъминлай олмаса, юкни ташишга қабул қилишни рад этиши мумкин: юк зарур тарзда бўлмаган идишда ёки упаковкада тақдим этилган; юк бажариш учун қабул қилинган буюртмага мувофиқ эмас; юкнинг тақдим этилган партияси массаси автотранспорт воситасининг юк кўтариш қувватидан ортиқ;

юк ташиш йўналишининг автомобиль йўли бўйича ҳаракат вақтинча тўхтатилганлиги ёки чекланганлиги туфайли етказиб берилиши мумкин эмас.

10. Агар:

бундай ташиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланган бўлса;

товар хусусиятига эга бўлган юклар товар-транспорт юк хати билан расмийлаштирилмаган бўлса ёки белгиланган тартибда тегишли сертификатларга эга бўлмаса;

ташиш учун тақдим этилган юклар хоссаларига кўра битта автотранспорт воситасида биргалликда ташиш учун қўйилмаса;

юк йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф туғдирса ва Йўл ҳаракати қодалари талабларига жавоб бермаса юкни жўнатувчи (экспедитор) юкни тақдим этмаслиги, ташувчи эса уни ташиш учун қабул қилмаслиги керак.

11. Юкни кузатиб бориш шартнома шартларига мувофиқ ташувчи ёки буюртмачи томонидан амалга оширилади.

Товар-транспорт юк хатида юкни кузатиб борувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилади.

12. Юкни жўнатувчи юкни ташишга тақдим этишда унинг нархини эълон қилишга ҳақлидир.

Юкнинг эълон қилинган қиймати бўйича ташувчида шубҳа туғилган тақдирда у ўз ҳисобидан экспертларни жалб қилиши ва юкнинг реал қиймати тўғрисида далолатнома тузиши мумкин.

13. Буюртмачи томонидан юкни жўнатувчилар томонидан тамғаланиб идишсиз, уюм, тўкилган ҳолда ташиладиган юклар, шунингдек тез бузиладиган юклар нархи эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Баҳоси эълон қилинган юкни ташишга тақдим қилишда юкни жўнатувчи уч нусхада юк ўринлари рўйхатини тузиши шарт. Рўйхатнинг бир нусхаси юкни жўнатувчида қолади, иккинчи нусхаси — ташувчида бўлади. Учинчи нусхаси юкни жўнатувчи томонидан юк ўринининг ичига солинади.

15. Идишсиз, уюм, тўкилган ҳолда, шунингдек контейнерларда, контейнер-цистерналарда ташиладиган юкларни қабул қилиб олиш-топширишда товар-транспорт юк хатида ушбу юклар массаси кўрсатилади.

16. Идишга солинган ва донали юклар юкни ташувчи томонидан товар-транспорт юк хатида юкнинг массаси ва юк ўринлари сони кўрсатилиши шarti билан ташиш учун қабул қилинади.

17. Идишли ва донали юклар массаси юкни жўнатувчи томонидан улар

ташишга тақдим этилишигача белгиланади ва юк ўринларини маркалашда кўрсатилади. Ушбу юкларни ташишда битта автотранспорт воситасида ташиладиган юк бутун партиясининг умумий массаси тарозида тортиш ёки юк ўринлари барча массасини ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади. Юкларнинг айрим турлари учун масса ҳисоб-китоб йўли, ўлчаш ёки ҳажм массаси бўйича аниқланиши мумкин.

18. Юкни жўнатувчи товар-транспорт юк хатига юк массасини ёзиши ва, агар масса тўғридан-тўғри тортилмасдан аниқланган бўлса, уни аниқлаш усулини кўрсатиши керак.

19. Юклар юкни жўнатувчи томонидан тамғаланган ёпиқ автотранспорт воситасида ёки алоҳида секциялар, контейнерлар ёки цистерналарда ёки контейнер-цистерналарда ташилса, юк массаси юкни жўнатувчи томонидан белгиланади.

20. Нотовар хусусиятга эга бўлган юк массасини аниқлашда юкни жўнатувчи тортиш йўли билан 5 — 10 автотранспорт воситасини назорат тартибида тортишни бажариши, шундан кейин тегишли маркадаги битта автотранспорт воситасидаги юкнинг ўртача массасини аниқлаши зарур.

21. Агар ташиш учун тақдим қилинган юкнинг идиши ёки ўрамини сиртдан кўздан кечиришда ташувчи томонидан юкнинг йўқотилиши, бузилиши ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган нуқсонлар аниқланса, юкни жўнатувчи нуқсонларни бартараф этиши ёки ташишда юкнинг сақланишини таъминлайдиган бошқа ишларни бажариши керак.

22. Юкнинг массаси ёки сонини аниқлаш юкни жўнатувчида ва юкни олувчида бир хил усулда амалга оширилади. Ташиш учун юкни қабул қилиб олишда массани аниқлаш учун бутун юкнинг оғирлигини тарозида тортиш зарур. Юкнинг алоҳида қисмларини тортиш йўли билан унинг умумий массасини аниқлашга йўл қўйилмайди.

23. Автотранспорт воситалари тарозига соатига 5 километрдан ортиқ бўлмаган тезликда яқинлашади. Автотранспорт воситалари тўхтамаган ҳолда (юрган ҳолда) ва двигатель ишлаб турган вақтда автомобиль тарозиларида тортиш тақиқланади. Автотранспорт воситасини тарозига қўйишда унинг орқа ўқи платформа чеккасидан 300 мм яқинликда бўлмаслиги керак.

24. Автопоездларни тарозига тортишда бутун автопоездни тарозига қўйиш зарур. Агар платформанинг ўлчами бутун автопоездни қўйиш имконини бермаса, у ҳолда автотранспорт воситаси ва тиркама алоҳида тортилади. Бунда автотиркаманинг якка шоти ерга тегмаслиги керак.

25. Юкларни идишда, ўрамда ёки майда партиялар билан ташишга тайёрлашда юкни жўнатувчи ҳар бир юк ўрнини маркалаш ҳуқуқига эга.

Юкка товар-транспорт юк хатлари маълумотлари маркалашга мувофиқ бўлиши керак.

Юкнинг хоссасини кўрсатиш ва юкни ортиш (тушириш), ташиш ёки сақлашнинг махсус шартларига риоя этиш зарур бўлганда юкни жўнатувчи махсус маркировка (манипуляция белгиларини) босиши зарур. Огоҳлантирувчи ёзувлар, агар юк билан муносабатда бўлиш усулини манипуляцион белгилар билан ифодалаш мумкин бўлмаган тақдирда қўлланилади.

26. Маркалаш ёрлиқлари идишга энг қулай, яхши кўринадиган жойларга ишончли маҳкамланиши зарур.

Юкларни идишсиз, уюм ёки тўкилган ҳолда ташишда маркировка амалга оширилмайди.

27. Юкни жўнатувчи бир юкни олувчига юбориладиган фургон, контейнерлар, контейнер-цистерналар ва цистерна типигаги кузовли автотранспорт воситасини тамғалаш, яшиқлар, қутилар ва бошқа идишдаги майда донали товарни эса, — тамғалаш ёки бандероль қилиш ҳуқуқига эга.

Юкни тамғалаш ёки бандероль қилиш ҳолати товар-транспорт юк хатида қайд этилади.

28. Бир неча манзиллар бўйича ташиладиган юкнинг сақланишини таъминлаш учун юкни ташувчи кузовни алоҳида тамғаланган секцияларга ажратиш имконини берадиган тўсиқлар ўрнатиши мумкин.

29. Юкни жўнатувчи томонидан тамғаланган юк юкни ташувчи томонидан юкни олувчига юкнинг массаси, ҳолати ва юк ўринлари сони текширилмасдан топширилади.

30. Кузовни тамғалаш юкка яқинлашиш ва автотранспорт воситаси кузови, контейнер, контейнер-цистерна, секция ёки алоҳида юк ўрnidан тамғанинг бутунлигини бузмасдан тамғани олиш имкониятини беришига йўл қўймаслиги керак.

Юкларни бандероль қилиш ўрамнинг бутунлигини бузмасдан юкка яқинлашишни истисно қилиши керак.

Юк тушириш пунктига келгандан кейин юкни олувчи ва ҳайдовчи келишув бўйича юкни тарозида такроран тортади ва қайта ҳисоблайди.

31. Юкни автотранспорт воситасига ортиш, шунингдек уни маҳкамлаш, унинг устини ёпиш, боғлаш, тушириш, маҳкамлагичлар, қопламаларни олиб қўйиш, бортлар (цистерна юклари)ни ёпиш ва очиш, шлангларни қўйиб юбориш ёки шлангаларни олиш, шлангларнинг винтларини олдинга бураш ёки орқага бураш, агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, юкни жўнатувчи (юкни олувчи) томонидан амалга оширилади.

32. Юкни ташувчи буюртмачи билан келишган ҳолда ортиш-тушириш ишларини бажаришни ўз зиммасига олиши мумкин.

Ортиш ишлари фақат механизациялаштирилган усулда бажарилиши мумкин бўлган оғир вазнли юклар махсус мосламаларга (ҳалқа, тешик ва бошқаларга) эга бўлиши керак.

33. Юкни жўнатувчи (юкни олувчи), агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ортиш, ташиш ва тушириш учун зарур бўлган мосламалар ва ёрдамчи материалларни тақдим этиши, ўрнатиши ва олиб ташлаши керак.

34. Хавфли юкларни ташиш зарурияти муносабати билан автотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш тақиқланади.

35. Юкни автотранспорт воситасига жойлаштириш ёки маҳкамлаш йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки юкнинг (автотранспорт воситасининг) сақланишини таъминлаш талабларига мувофиқ эмаслиги ташувчи томонидан аниқланган тақдирда, юкни ташувчи бу ҳақда буюртмачини хабардор қилиши



ва, агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қайд этилган камчиликлар буюртмачи томонидан бартараф этилгунига қадар ташишни бажаришни тўхтатиши керак.

36. Ташувчининг автотранспорт воситаси юкни ортиш учун келиш вақти ортиш пунктида юкни жўнатувчига йўл варақаси тақдим этилган пайтдан бошлаб ҳисобланади, ташувчининг автомобиль транспорти юкни тушириш учун келган вақт эса — тушириш пунктида юкни олувчига товар-транспорт юк хати тақдим этилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

37. Агар ҳайдовчи товар-транспорт юк хатини олган бўлса ва юк автотранспорт воситаси кузовида бўлса, юк ташувчининг автотранспорт воситасини юклаши тугалланган деб ҳисобланади.

38. Агар юк автотранспорт воситаси кузовидан тўлиқ олинган, кузовни йиғиштириш бўйича барча зарур ишлар бажарилган ва ҳайдовчига узил-кесил расмийлаштирилган товар-транспорт юк хатлари топширилган бўлса, юкни автотранспорт воситасига ортиш тугалланган деб ҳисобланади.

39. Товар ва нотовар хусусиятга эга бўлган юкларни ташиш товар-транспорт юк хати билан расмийлаштирилиши керак. Юкни жўнатувчида товар-транспорт юк хатлари бланкалари мавжуд бўлмаса, улар унга юк ташувчи томонидан берилади.

40. Ишига вақтбай тарифлар бўйича ҳақ тўланадиган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш йўл варақалари ва товар-транспорт юк хатлари билан расмийлаштирилади.

Юк автотранспорт воситасининг товар-транспорт юк хатлари ва йўл варақалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, босмаҳона усулида тайёрланади, ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақамига эга бўлади.

41. Автотранспорт воситаси билан юкларни ташишга товар-транспорт юк хати юкни жўнатувчи томонидан ҳар бир боришга ҳар бир юкни олувчининг номига тўрт нусхада тузилади, улардан:

биринчи нусхаси юкни жўнатувчида қолади ва товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариш (чиқиб кетиши) учун мўлжалланади; иккинчи нусхаси юкни олувчида қолади ва моддий бойликларни кирим қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

учинчи ва тўртинчи нусхалари юкни ташувчида қолади ҳамда юк ташувчининг юкнинг жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиши ва автотранспорт ишини ҳисобга олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

42. Ҳайдовчи (ёки юкни кузатиб борадиган шахс) товар-транспорт юк хатининг барча нусхаларига имзо чекиши шарт.

43. Товар-моддий бойликлар номларининг катта миқдори бир йўла ташишга тақдим этилганда қистирма варақлар — барча қистирма варақларда товар бўлимида кўрсатилган товар-транспорт юк хатининг серияси ва бош варақнинг тартиб рақами такрорланган ҳолда 4 нусхада тўлдириладиган товар-транспорт юк хатининг давоми қўлланилишига йўл қўйилади.

44. Бир турдаги юкларни бир юкни жўнатувчидан айна бир масофага бир юкни олувчининг номига ташишда смена мобайнида автотранспорт воситаси томонидан бажарилган ишга жамланган битта товар-транспорт юк

хати расмийлаштирилиши мумкин. Бунда оралиқ юришларни расмийлаштириш юкни жўнатувчи томонидан ҳайдовчига ҳар бир алоҳида юришга талон бериш йўли билан амалга оширилади.

Талон фақат берилган кун учун амал қилади ва уч нусхада тўлдирилади, улардан бири юкни жўнатувчида, иккинчиси — ҳайдовчида ва учинчиси юкни олувчида қолади.

45. Юкни ташувчи юкни товар-транспорт юк хатида кўрсатилган юкни олувчига топшириши керак.

46. Юкни массаси ва ўринлар сони бўйича юкни олувчига топшириш юкни жўнатувчидан олингандагига ўхшаш тартибда амалга оширилади (тарозида тортиш, ўлчаш, юк ўринларини санаш ва ҳоказо).

47. Автотранспорт воситаларининг шикастланмаган кузовларида (контейнерлар, контейнер-цистерналар ва цистерналарда) келган ва юкни кузатувчининг шикастланмаган тамғаларига эга бўлган юклар юкни олувчига юкнинг массаси, ҳолати ва юк ўринлари сони текширилмасдан берилиши мумкин.

Стандарт оғирлик ва юкни жўнатувчи томонидан ҳар бир юк ўрнида кўрсатилган оғирлик бўйича ташишга қабул қилинган идишли ва донали юклар юкни олувчига бориш пунктида фақат шикастланган (агар шундайлар бўлса) ўринлардаги юкнинг оғирлиги ва ҳолати текширилган ҳолда ўринлар саноғи бўйича оғирлиги тортилмасдан топширилади.

Идишсиз ёки тўкилган ҳолда ташиладиган, камомад белгиларисиз келган юклар юкни олувчига оғирлиги текширилмасдан топширилиши мумкин.

48. Юкни юкни олувчига топширишда, агар юк юкни олувчига шикастланган идиш, автотранспорт воситасининг шикастланган кузови ёки юкни жўнатувчининг шикастланган тамғалари билан келса, юкни ташувчи товар-транспорт юк хатига мувофиқ юк массасини, юк ўринлари сонини ёки юкнинг ҳолатини текшириши керак.

49. Юк ташувчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юкни олувчи юкни олишни рад этган тақдирда юк юкни ташувчи томонидан юкни жўнатувчига қайтарилиши (агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса) ёки унинг ёзма кўрсатмаси бўйича бошқа юкни олувчига берилиши мумкин. Юкни олувчи товар-транспорт юк хатида, агар у юридик шахс ҳисобланса имзо шунингдек муҳр билан тасдиқланган юкни қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзувни қайд этиши керак.

Юкни жўнатувчи юкни қайта йўллаш ёки уни юкни жўнатувчига қайтариш билан боғлиқ қўшимча харажатларни тўлаши керак.

### **III. Хавфли юкларни ташишни ташкил этиш**

50. Алоҳида хавфли юкларни автотранспорт воситаларида ташиш Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда бажарилади.

Алоҳида хавфли юкларни ташишда рухсатнома ташиладиган юкларнинг типи ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар, юкни жўнатувчи ва олувчи,

катнов йўналиши, жалб этилган автотранспорт воситалари, ташиш учун масъул шахс ва юкни кузатиб борадиган шахслар (ҳайдовчилар, юк ортувчилар, кўриқловчи шахслар ва бошқалар), қуроли соқчилар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда юк ташувчининг аризаси асосида берилади:

а) хавfli юкни ташиш учун масъул шахс ва ҳайдовчиларга йўриқнома берилиши ва автотранспорт воситалари кўздан кечирилиши учун масъул шахс тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ (бошқа фармойиш берувчи ҳужжат);

б) автотранспорт воситаси ҳайдовчисининг хавfli юкни ташишга қўйилиши тўғрисидаги гувоҳнома;

в) йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари (ЙҚХБ) томонидан бериладиган автотранспорт воситасининг хавfli юкларни ташишга қўйилиши тўғрисидаги гувоҳнома (ушбу Қоидаларга 3-илова\*);

г) юкни ташувчи томонидан ишлаб чиқилган ва хавfli юк ташиладиган йўл бўйича ЙҚХБ билан келишилган хавfli юкларни ташиш йўналиши (ушбу Қоидаларга 4-илова\*);

д) хавф тўғрисидаги ахборот тизими (ХТАТ)нинг авария карточкаси (ушбу Қоидаларга 5-илова\*);

е) хавfli юкларни ташишда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга ва Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига етказилиши мумкин бўлган зарарни таъминлаш учун суғурта ташкилоти томонидан берилган ҳужжат (полис).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатномаси асосида хавfli юклар транзитида ички ишлар органларининг махсус рухсатномасини олиш талаб қилинмайди.

51. Алоҳида хавfli юкларни ташиш махсус масъулиятли шахс — юкни жўнатувчининг (юкнинг олувчининг) хавfli юкларнинг хоссаларини биладиган ва улар билан муомала қила оладиган вакилининг мажбурий кузатувида амалга оширилади.

Хавfli юкларни автотранспорт воситаларида ташиш шартномаси бўйича хавfli юкни кузатиб бориш автотранспорт воситасининг ҳайдовчисига юкланган ҳолларда ҳайдовчига хавfli юк жўнатилишидан олдин хавfli юкнинг физик-кимёвий ва зарарлантирувчи хоссалари, у билан муомала қилиш ва уни ташиш қоидалари тўғрисида юкни жўнатувчи (юкни олувчи) томонидан йўриқнома берилган бўлиши керак.

Алоҳида хавfli юкларни фақат ички ишлар органларининг қуроли соқчилари ҳамроҳлигида (юридик шахсларнинг қуроли соқчилари ҳамроҳлигида) ва хавfli юклар Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармалари (Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ЙҚХБ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари)нинг автотранспорт воситалари ҳамроҳлигида ташишга йўл қўйилади.

---

\* 3 — 5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

52. Хавфли юкка ҳамроҳлик қилиш учун масъул шахснинг мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

а) хавфли юклар жўнатиш жойидан бориш жойигача кузатилишини ва қўриқланишини таъминлаш, ташиш йўналишига қатъий риоя қилиш;

б) қўриқлаш ходимларига ва автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига йўриқнома бериш;

в) хавфли юк олинадиган жойларда хавфли юкларни ташқи томондан кўздан кечириш (хавфли юк ўралиши ва маркаланишининг тўғрилигини текшириш) ва уларни қабул қилиб олиш;

г) хавфли юк ортилиши ва маҳкамланилишини кузатиш;

д) автотранспорт воситалари ҳаракатланган ва тўхтаб турган вақтда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш;

е) ташишни амалга оширувчи ходимларнинг шахсий хавфсизлиги чоратадбирларини, жамоат ва экологик хавфсизликни ташкил этиш;

ж) белгиланган жойга келгандан кейин хавфли юкларни топшириш.

53. Хавфли юкларни транспортда ташиш йўналишини таъминлаш ушбу ташишни бажарадиган ташувчи томонидан амалга оширилади.

54. Хавфли юкларни ташишда ташиш йўналиши:

а) Тошкент шаҳри бўйича — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва вилоятлар ичидаги йўналишлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари;

в) шаҳарлараро — вилоятлараро йўналишлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармалари;

г) халқаро йўналишлар бўйича — Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ваколатли органлар ва паритет томоннинг автомобиль транспорти соҳасида ваколатли органлари билан келишилади.

55. Транспортда ташиш йўналишини ишлаб чиқишда юкни ташувчи қуйидаги асосий талабларга амал қилиши керак:

а) транспортда ташиш йўналиши яқинида муҳим, йирик саноат объектлари бўлмаслиги керак;

б) транспортда ташиш йўналиши дам олиш зоналари, архитектура, табиий қўриқхоналар, алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар ва бошқалар орқали ўтмаслиги керак, аҳоли пунктлари орқали ўтишдан максимал қочиш зарур;

в) транспортда ташиш йўналишида автотранспорт воситаси тўхташ жойлари ва ёнилғи қуйиш шохобчалари назарда тутилиши керак;

г) транспортда ташиш йўналиши йирик аҳоли пунктлари орқали ўтмаслиги керак. Истисно ҳолларда хавфли юкларни йирик аҳоли пунктлари ичи орқали ташиш зарур бўлганда ҳаракат йўналишлари томоша, маданий-маъ-

рифий, ўқув, мактабгача ва даволаш муассасалари яқинидан ўтмаслиги керак.

56. Хавфли юкларни транспортда ташиш йўналишларини келишиш учун юкни ташувчи ташиш бошланишидан камида ўн кун олдин ҳудуди бўйлаб хавфли юкни ташиш мўлжалланаётган ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) белгиланган шакл бўйича ташишнинг ишлаб чиқилган йўналиши уч нусхада;

б) автотранспорт воситасини хавфли юкларни ташишга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома;

в) алоҳида хавфли юклар учун қўшимча равишда юкни жўнатувчи (юкни олувчи) томонидан тақдим этилган хавфли юкни ташишга махсус йўриқнома;

г) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг хавфли юкларни ташиш учун сифим (контейнерлар, цистерналар, контейнер-цистерналар ва ҳоказолар)нинг яроқлилиги тўғрисидаги ҳулосаси;

д) автотранспорт ҳайдовчиси хавфли юкларни ташишга қўйилиши тўғрисидаги гувоҳнома;

е) бошқа тегишли ваколатлар билан келишилган ҳужжатлар.

57. Ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари билан келишилган транспортда ташиш йўналиши рухсатномада кўрсатилган муддатга ҳақиқийдир. Бундай муддат кўрсатилмаган ҳолларда хавфли юк келишилган кундан бошлаб олти ой мобайнида келишилган йўналиш бўйича амалга оширилиши мумкин.

Аҳоли пунктларида хавфли юкларни ташишга фақат кундуз куни автотранспорт воситалари ҳаракати минимал интенсивликда бўлган автомобиль йўллари бўйлаб йўл қўйилади.

58. Келишилган йўналишни ўзгартиришни талаб қиладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда, юкни ташувчи хавфли юкларни ташишга янги йўналишни дастлабки йўналиш келишилган ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари билан келишиши шарт.

59. Келишилган йўналишнинг бир нусхаси тегишли ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида, иккинчиси — юкни ташувчида сақланади, учинчи нусхаси — хавфли юкларни ташиш вақтида масъул шахсда, у бўлмаганда эса — ҳайдовчида туради.

60. Хавфли юкларни ташишга қабул қилиш ва уларни юкни жўнатувчига топшириш оғирлиги бўйича, идишга солинган хавфли юклар эса — юк ўринлари сони бўйича амалга оширилади.

61. Хавфли юк юк ташувчи томонидан ташишга юкни жўнатувчи томонидан ДС Р50587-93. «Модда (материал) хавфсизлиги паспорти. Асосий қоидалар. Ишлаб чиқариш, қўллаш, сақлаш, транспортда ташиш, утиллаштиришда хавфсизликни таъминлаш бўйича ахборот» бўйича модданинг хавфсизлиги паспорти тақдим этилгач қабул қилинади.

62. Хавфли юкларни ташишга қабул қилишда хавфли юклар ташилиши

учун масъул шахс идишда юк бирлигига транспорт хавфсизлигини тавсифлайдиган махсус маркалаш мавжудлигини текшириши керак.

63. Хавф тўғрисидаги ахборот тизими қуйидаги асосий элементлардан:

а) ташиладиган хавфли юкнинг даражасини белгилаш учун автотранспорт воситасига ўрнатиладиган ахборот жадвали (ушбу Қоидаларга 6-илова\*);

б) аварияларни ёки нохуш ходисаларни ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича тадбирларни белгилаш учун авария карточкаси;

в) ахборот жадвалида кўрсатилган шошилиш чоралар кодини ёйиб кўрсатиш учун ХТАТнинг ахборот карточкаси (ушбу Қоидаларга 7-илова\*);

г) автотранспорт воситаларидаги махсус бўёқ ва ёзувлардан иборат бўлади.

64. ХТАТни ташкил этиш хавфли юкларни ташийдиган ташувчилар ва буюртмачиларга юкланади.

65. Ахборот берувчи ХТАТ хавфли юкларни тайёрлайдиган ташкилотлар томонидан тайёрланади ҳамда автотранспорт воситасининг олдига ва орқасига махсус мосламаларда ўрнатиш учун юкни ташувчига берилади.

66. Автотранспорт воситаларини белгилаш учун ахборот жадваллари қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда тайёрланади:

а) жадвалнинг умумий фони — оқ;

б) «ШЧК» ва «БМТ №» — графалари фони — тўқ сариқ;

в) жадваллар ўлчами 690 x 300 мм, ўнг қисми 400 x 300 мм, сўл қисми 290 x 300 мм;

г) жадвал рамкаси, устунларни ажратиш чизиқлари, рақамлар ва матннинг ҳарфлари қора рангда бажарилади;

д) устунларнинг номи (ШЧК, БМТ №) ва «Ўювчи модда» хавф белгисидаги ёзув оқ рангда бажарилади;

е) хавф белгиси рамкаси белги четидан 5 мм масофада қалинлиги камида 5 мм бўлган қора рангдаги чизиқ билан туширилади;

ж) «ШЧК» ва «БМТ №» устунларидаги ҳарфларнинг қалинлиги 15 миллиметрга, хавф белгисидаги қалинлиги камида 3 миллиметрга тенг;

з) жадвалнинг рамкаси ва ажратиш чизиқлари 15 миллиметрга тенг қалинликда туширилади;

и) шошилиш чораларнинг ҳарф-рақам коди ҳарфлар ва рақамларнинг исталган тартибида ёзилади.

67. ХТАТ авария карточкаси хавфли юкни тайёрловчи ташкилот томонидан тўлдирилади ва йўл варақасига қўшимча сифатида илова қилинади.

Авария карточкаси хавфли юкларни ташийдиган автотранспорт воситалари ҳайдовчисига туриши керак. Хавфли юкка масъул шахс — мижознинг вакили ҳамроҳлик қилган тақдирда авария карточкаси унда туриши керак.

ХТАТнинг ахборот карточкаси 130 миллиметрга 60 мм ўлчамли қалин қоғозда тайёрланади. Карточканинг юза томонида ахборот жадваллари ёйиб берилади, орқа томонида эса хавф белгилари намуналари келтирилади.

Ёнғин чиққанда ва оққан тақдирда шошилиш чоралар коди (ШЧК),

---

\* 6-7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

шунингдек модданинг окова сувларга тушиши оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам рақамлар билан белгиланади.

Одамларни ҳимоя қилишда шошилиш чоралар коди (ШЧК) харфлар билан белгиланади. Харфларни танлаш қўлланиладиган коднинг энг характерли сўзлари бошланғич харфлари бўйича амалга оширилади:

Н — нафас олиш аппарати ва ҳимоя қўлқоплари зарур;

УО — фақат ёнғин чиққанда нафас олиш аппарати ва ҳимоя қўлқоплари зарур;

К — ҳимояловчи кийим-бошларнинг тўлиқ тўплами ва нафас олиш аппарати зарур;

Е — одамларни эвакуация қилиш зарур.

68. Хавфли юкларни ташишда нохуш ҳодиса юзага келган тақдирда нохуш ҳодисани ва унинг оқибатларини тугатиш тадбирлари авария карточкасида келтирилган кўрсатмаларга ёки ХТАТ ахборот жадвали бўйича шошилиш чоралар кодига мувофиқ амалга оширилади.

69. Ташиладиган хавфли юкни тўлиқ идентификация қилиш ахборот жадвалидаги ва ХТАТ ахборот карточкасидаги, шунингдек ушбу хавфли юкни ташишга буюртманомада (бир марталик буюртманомада) мавжуд БМТ рўйхати бўйича рақамлашга мувофиқ амалга оширилади.

70. Хавфли юкларни ташишда доимий банд бўлган автотранспорт воситалари кузови, автоцистерналар, тиркамалар ва ярим тиркама-цистерналар ушбу хавфли юклар учун белгиланган танитувчи рангга бўялиши ва қуйидаги тегишли ёзувлар ёзилиши керак:

а) метанолни ташишда автотранспорт воситаси (цистерна) «Метанол — заҳар!» қоплама бўйича тўқ сариқ ёзувли ва қора полосали тўқ сариқ рангга бўялади;

б) аммиакни ташишда — автотранспорт воситасининг ранги ҳар қандай рангга бўлади ва «Аммиакли сув — Ёнғин жиҳатидан хавфли» ёзуви ёзилади;

в) сувга текканида тез алангаланадиган газлар чиқарадиган моддаларни ташишда автотранспорт воситаси кўк рангга бўялади ва «Ёнғин жиҳатидан хавфли» ёзуви ёзилади;

г) ўзи ёнадиган моддаларни ташишда автотранспорт воситаси (цистерна)нинг қуйи қисми қизил рангга бўялади, юқори қисми оқ рангга бўялади ва қора рангда «Ёнғин жиҳатидан хавфли» ёзуви ёзилади;

д) тез алангаланадиган моддаларни ташишда автотранспорт воситаси (цистерна) тўқ сариқ рангга бўялади ва «Ёнғин жиҳатидан хавфли» ёзуви ёзилади;

е) ёнишни кучайтирадиган моддаларни ташишда автотранспорт воситаси (цистерна) сариқ рангга бўялади ва икки марта «Ёнғин жиҳатидан хавфли» ёзуви ёзилади;

ж) ўювчи моддаларни ташишда автотранспорт воситаси (цистерна) қоплама бўйлаб қора полосали сариқ рангга бўялади, унга сариқ рангли «Ўювчи модда» деган ёзув ёзилади.

71. Хавфли юкларни ташийдиган автотранспорт воситаларига ёзилади-

ган ҳарфларнинг бўйи, ушбу Қоидаларнинг 67 — 69-бандларида қайд этилган ҳолларидан ташқари камида 150 мм, қора рангда бўлиши керак.

72. Автотранспорт воситаларида хавfli юклар ортилиши, туширилиши операцияларини хавfli юкни кузатиб бораётган масъул шахс (мижознинг вакили) назорат қилади.

73. Автотранспорт воситасига юк ортишга унинг тўлиқ юк кўтаришига-ча фойдаланишга ёки хавfli юкларнинг айрим турларини транспортда ташиш учун тайёрловчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган махсус йўриқномаларда қайд этилган ҳажмда ва тартибда йўл қўйилади.

74. Хавfli юкларни автотранспорт воситасига ортиш-тушириш ва маҳкамлаш ишлатишда учкун чиқармайдиган механизмлар ва асбоблар қўлланилган ҳолда идишга туртки, зарба, ортиқча босим босилишига йўл қўйилмай эҳтиёткорликнинг барча чораларига риоя этган ҳолда мижознинг куч ва воситалари билан амалга оширилади.

75. Хавfli юклар билан ортиш-тушириш ишлари автотранспорт воситаси двигатели ўчирилган ҳолда амалга оширилади ва ҳайдовчи, агар бу юкни жўнатувчининг йўриқномасида қайд этилган бўлса, ортиш-туширишнинг белгиланган зонасидан ташқарида туриши керак. Автомобилга ўрнатилган юк кўтариш ёки тўкиш механизмларининг ҳаракатга келтирилиши ишлаб турган двигателда таъминланган ҳоллар бундан мустасно.

76. Хавfli юклар билан ортиш-тушириш операциялари махсус жиҳозланган ортиш-тушириш жойларида (постлар, майдонларда) амалга оширилиши керак. Бунда биттадан ортиқ бўлган автотранспорт воситасида бир вақтнинг ўзида ортиш-тушириш ишлари амалга оширилиши мумкин.

Хавfli юклар билан ортиш-тушириш ишларини бажариш даврида ортиш-тушириш жойлари (постлар, майдонлар) махсус тайёрланган соқчилар билан таъминланади.

77. Бегона шахсларнинг хавfli юкларни ортиш-тушириш учун ажратилган ортиш-тушириш жойларида (постлар, майдонларда) ҳозир бўлиши, шунингдек хавfli юклар ортилган автомобиллар яқинида одамлар ва юкларнинг тўпланиши тақиқланади.

78. Момоқалдиروق пайтида ёнғин жиҳатидан хавfli юклар билан ортиш-тушириш ишларини бажариш тақиқланади.

79. Қўлда бажариладиган хавfli юклар билан ортиш-тушириш операциялари ушбу ишларни бажаришга жалб этилган ходимларнинг шахсий хавфсизлиги чораларига риоя этилган ҳолда бажарилиши керак.

80. Идишнинг шикастланиши ва хавfli юкнинг ўз-ўзидан ағдарилиши хавфини яратадиган юкни ортиш-тушириш механизмларининг юк кўтариш қурилмаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

81. Ортиш-тушириш операциялари жараёнида хавfli юклар солинган бочкаларнинг жойини ўзгартириш ва омборхона ишларини бажариш фақат махсус ўрнатилган тагликлар, траплар ва нарвонларда амалга оширилиши мумкин.

82. Яшиқлар, корзиналар, барабанлар ёки панжараларга жойлаштирилган хавfli юклар солинган шишалар ортиш-тушириш операцияларини ба-



жаришда ораликлар инерт таглик материал билан тўлдирилиши шарти билан махсус тележкаларда жойи ўзгартирилиши керак.

Бутиллерни орқада, елкада ёки ўзининг олдида кўтариш тақиқланади.

83. Хавфли юкларни ортиш, тушириш ва қайта юклаш жойлари (постлар), шунингдек автомобиллар тўхташ жойлари улар турар жой ва ишлаб чиқариш иморатлари, юк омборларидан 125 м яқин бўлмаган ва магистрал йўллардан камида 50 м узоқликда бўлган тарзда танланади.

Ортиш-туширишни кутаётган автотранспорт воситалари ортиш-тушириш жойларидан (постлар, майдонлардан) камида 25 м масофада бўлиши керак.

84. Тайёқчиликда хавфли юкларни ортиш ва тушириш ортиш-тушириш жойлари (постлар, майдонлар) ҳудудига қум сепилиши керак.

85. Ёқилғилар ёки портлаш хавфи бўлган юклар ортилган автотранспорт воситаларига умумий фойдаланиладиган турғун автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ёки қўчма автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ёқилғи қуйиш автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасидан камида 25 м масофада жойлашган махсус жиҳозланган майдонда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасидан олинган нефть махсулотларини қуйиш орқали амалга оширилади.

86. Хавфли юкларни ортиш-тушириш бошланишидан олдин ҳамроҳлик қилувчи шахслар ва ортиш-туширишнинг раҳбари ёнғин келиб чиққанда ёки портлаш хавфида автотранспорт воситаларини хавфсиз масофага олиб ўтиш имкониятини назарда тутишлари шарт.

87. Хавфли юкларни ташишда автотранспорт воситалари ҳаракати тезлигини чеклаш ташиш йўналишини келишган ҳолда аниқ йўл шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари томонидан белгиланади. Ҳаракат тезлигини чеклаш белгиланган тақдирда йўл қўйилиши мумкин бўлган тезлик кўрсатилган белги автотранспорт воситасида йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ ўрнатилиши керак.

Йўлда бўлиш вақти 8 соатдан ортиқни ташкил этган тақдирда ҳар бир автотранспорт воситасига икки нафар ҳайдовчи ажратилади.

88. Хавфли юклар автотранспорт воситалари колоннасида ташилганда қуйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

текис йўлда ҳаракатланишда автотранспорт воситалари ўртасидаги масофа камида 50 м бўлиши керак;

тоғ шароитларида — кўтарилиш ва пастга тушишларида камида 300 м; кўриш 300 метрдан кам бўлганда (туман, ёмғир, қор ва ҳоказолар) айрим хавфли юкларни ташиш тақиқланиши мумкин.

Юкни жўнатувчи (юкни олувчи)нинг вакилларида бўлган ташиш учун масъул шахс, колонна бўйича катта — биринчи автотранспорт воситаси кабинасида бўлиши шарт.

Хавфли юклар колонна бўлиб ташилганда ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг махсус автомобиллари ҳамроҳлик қилиши шарт.

89. Хавфли юкларни ташишда ҳайдовчиларнинг дам олиш учун аҳоли пунктларида тўхташ тақиқланади. Тўхташ жойларида тўхташга бунинг учун махсус ажратилган, турар жой иморатлари ва одамлар тўпланадиган жой-

лардан камида 200 м масофада жойлашган махсус ажратилган жойларда рухсат берилади.

Автотранспорт воситаси тўхтаганда ёки тўхташ жойида тўхташ тормози ишга туширилиши, қияликда қўшимча равишда жилишга қарши тиргак ўрнатилиши керак.

90. Йўлда ёнилғи қуймасдан хавфли юкни ташийдиган автотранспорт воситаларининг юриш захираси камида 500 км бўлиши керак. Хавфли юклар 500 км га ва ундан ортиқ масофага ташилганда автотранспорт воситаси худудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан келишган ҳолда захира ёнилғи баки билан жиҳозланиши керак.

Агар йўналишнинг узунлиги 400 километрдан ортиқ бўлса ёки ташиш кечаси амалга оширилса, хавфли юкларни ташийдиган автотранспорт воситаларининг бир ҳайдовчи билан ҳаракатланиши тақиқланади.

Қиш вақтида тоғ шароитларида хавфли юкларни ташишда юкни ташувчилар автотранспорт воситаларини протекторнинг қишги шиналари билан бутлашлари керак.

91. Иккитадан ортиқ автотранспорт воситасида колонна бўлиб алоҳида хавфли юкларни ташиш худудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг олдинда ва орқада икки патрул автомобили кузатувида амалга оширилади.

Олдиндаги кузатувчи автомобиль хавфли юклар ортилган автотранспорт воситаларидан олдинда ҳаракатланиши керак. Бунда унинг ортида ҳаракатланадиган автотранспорт воситасига нисбатан кузатувчи автомобиль унинг орқасида ҳаракатланаётган автомобилнинг габарити кенглиги бўйича кузатилаётган автотранспорт габарити туртилиб чиқаётган этиб ён бериб ҳаракатланиши керак.

Кузатиб борадиган автомобиль тўқ сариқ ёки сариқ рангдаги ёрқин маёк билан жиҳозланиши керак. Унинг ёқилиши йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини огоҳлантириш учун қўшимча ахборот воситаси ҳисобланади.

Кузатувчи автомобилларда ва хавфли юкларни ташиётган автотранспорт воситаларига исталган вақтда (шу жумладан кундуз куни) яқин чироқ фараси ёқилган бўлиши керак.

92. Кузатувчи автомобиллар ҳаракати тартиби ва хавфли юклар ташилаётганлиги тўғрисида йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини хабардор қилиш усуллари йўналишни келишиш бланкасининг «Ҳаракатнинг алоҳида шартлари» бўлимида худудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари томонидан кўрсатилади.

93. Хавфли юкларни икки ва ундан ортиқ автомобилда колоннада ташишда унинг таркибида юкларнинг мазкур турини ташишга мослаштирилган, Хавфли юкларни ташишга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган захира бўш автотранспорт воситаси мавжуд бўлиши шарт. Захира автотранспорт воситаси колоннанинг охирида бориши керак.

Тоннелдан ўтишда хавфли юкларни ташиётган автотранспорт воситалари ҳаракати битта транспорт воситаси бўйича рухсат берилади.

94. Бир автотранспорт воситасида (бир контейнерда) хавфли юкларнинг

турли даражаларини биргаликда ташишга фақат турли даражадаги хавфли юкларни ташишда мослик жадвалида ифодаланган йўл қўйиладиган мувофиқлик қоидалари доирасида рухсат берилади (ушбу Қоидаларга 8-илова\*).

95. Умумий вазифали юклар билан бирга хавфли юкларни битта авто-транспорт воситасида (битта контейнерда) биргаликда ташиш хавфли юкларни ва умумий мақсадли юкларни ташишда мослик жадвалида ифодаланган талабларга мувофиқ амалга оширилади (ушбу Қоидаларга 9-илова\*).

96. Хавфли юк транспортда ташилгандан кейин тозаланмаган бўш идишни ташиш ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ ушбу хавфли юкни ташишдаги ўхшаш тартибда амалга оширилади.

Бўш идишни ташишга товар-транспорт юк хатида қизил рангда бунгача ташилаётган идишда қандай хавфли юк бўлганлиги тўғрисида белги қўйилади.

97. Бўш идишни тозалаш экологик хавфсизлик ва якка тартибдаги ҳимоя чораларига риоя қилинган ҳолда мижознинг кучлари ва воситалари билан амалга оширилади.

98. Идиш тўлиқ тозалангандан кейин уни ташиш умумий вазифали юклар сингари умумий асосларда амалга оширилади, бунда мижознинг товар-транспорт юк хатига қизил рангда «Идиш тозаланди» деган белги қўйилади.

99. Ташкилот-мижозлар ҳар бир ташишга аварияли вазиятда хатти-харакатлар режасини ишлаб чиқадилар ва уни ҳайдовчига (кузатиб борувчига) топширадилар, авариялар ёки нохуш ҳодисалар оқибатларини тугатиш бўйича амалда ишлаш учун авария бригадаларини ажратадилар ва улар билан тегишли тайёргарликни ташкил этадилар.

100. Хавфли юклар солинган идишнинг носозлигини тузатиш бўйича таъмирлаш ишлари олиб бориш зарурлиги ҳолатида бу ишлар авария бригадаси томонидан ушбу мақсадлар учун махсус ажратилган майдонда (бинода) амалга оширилади. Унинг жойлашиши авариялар ёки нохуш ҳодисалар оқибатларини тугатиш тадбирлари режасида белгиланади.

101. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган тақдирда хавфли юкни ташиш учун масъул бўлган шахс ҳайдовчилар ёки қўриқчилар хатти-харакатига раҳбарлик қилади, ҳудудий ички ишлар органлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигини хабардор қилади ҳамда ҳодиса юз берган жойни ўрашни (белгилашни) ва хавфли юк қўриқланишини ташкил этади.

Хавфли юк ички ишлар органлари ходимлари томонидан кузатиб берилган тақдирда ҳодиса юз берган жойни ўраш (белгилаш) ва периметр бўйлаб постлар қўйиш ички ишлар органлари кузатувчилар гуруҳининг бошлиғи билан келишган ҳолда масъул шахс томонидан ташкил этилади.

102. Авария ёки нохуш ҳодиса жойига келган авария бригадаси унинг оқибатларини тугатиш давомида эҳтиёткорликнинг ва ХТАТнинг авария карточкасида санаб ўтилган якка тартибдаги ҳимоянинг барча чораларини кўришлари керак.

---

\* 8-9-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

103. Авария ёки нохуш ҳодиса юз берган ҳолда авария бригадасининг хатти-ҳаракатлари:

а) шикастланган идишни ёки сочилиб кетган (қўйилиб кетган) хавфли юкни аниқлаш ва узоқлаштиришни;

б) жабрланганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни;

в) зарурият бўлганда ҳайдовчиларни ва ушбу ташишга хизмат кўрсатувчи ходимларни эвакуация қилишни;

г) хавфли зона ўлчами ва чегараларини аниқлашни, унинг периметри бўйлаб постлар қўйилиши ташкил этилишини;

д) дезактивация, дезинфекция ёки дегазация ўтказилишини;

е) махсус кийим-бош ва индивидуал ҳимоя воситалари зарарсизлантирилишини;

ж) атроф табиий муҳитга етказилган зарарли таъсир бартараф этилишини;

з) юз берган авариялар ёки нохуш ҳодисалар тўғрисида юкни жўнатувчи ва юкни олувчини хабардор қилишни ўз ичига олади.

104. Ташиш жараёнида авариялар ёки нохуш ҳодисалар юз берган тақдирда авария бригадаси ва махсус хизматлар келгунига қадар уларнинг оқибатларини дастлабки бартараф этиш махсус тайёргарлик ёки йўриқнома талабларига мувофиқ ҳайдовчи ва кузатиб борувчи масъул шахс томонидан амалга оширилади.

#### **IV. Ташиш жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

105. Юкни ташувчи юкни жўнатувчига ташиш учун буюртманома берганда товар-транспорт юк хатини (тўрт нусхада) ва ХТАТ авария карточкасини тақдим этиши керак, улар хавфли моддаларни тайёрловчининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

106. Хавфли юкни ташишга тайёрлашда юкни жўнатувчи идишнинг (упаковканинг) бутунлиги ва созлигини, маркалаш ва тамгалар борлигини, шунингдек асбоб-ускуналар ва ортиш-тушириш майдонларининг техник ёритилганлиги ушбу Қоидалар талабларига мувофиқлигини текшириши шарт.

107. Юкни олувчи хавфли юкларни тушириш тамом бўлгандан кейин автотранспорт воситаси кузови (контейнерлар, контейнер-цистерналар, танк-контейнерлар) ушбу хавфли юк қолдиқларидан тозалаш ва, зарурият бўлганда, хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда автотранспорт воситаси (контейнерлар, контейнер-цистерналар)ни дегазация, дезактивация ёки дезинфекция қилиши ҳамда автотранспорт воситаси (контейнерлар, контейнер-цистерналар, танк-контейнерлар)да ўрнатилган хавф белгиларини олиб қўйиши керак.

108. Юкни ташувчи хавфли юкларни ташишда, зарурият бўлганда, автотранспорт воситаларини ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаши, шунингдек хавфли юклар билан ишлашда машғул бўлган хизмат кўрсатувчи ходимларни махсус тайёрлашни ёки уларга

йўриқнома берилишини ташкил этиши ҳамда уларни якка тартибдаги химоя воситалари билан таъминлаши керак.

Автотранспорт воситалари ҳайдовчилари, бундан ташқари ушбу Қоидаларга мувофиқ ХТАТ ҳуқуқий ахборот карточкалари билан ҳам таъминланиши керак.

109. Хавфли юкларни ташийдиган ҳайдовчи қуйидагиларни ўз ичига оладиган махсус тайёргарликдан ўтиши керак:

а) ХТАТни ўрганиш (автотранспорт воситалари ва упаковкага белги қўйиш);

б) ташилаётган хавфли юкларнинг хоссаларини ўрганиш;

в) нохуш ҳодисаларда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларига ўқитиш;

г) нохуш ҳодиса юз бергандаги хатти-ҳаракатларга ўқитиш (хатти-ҳаракат тартиби, ёнғинни ўчириш, бирламчи дегазация, дезактивация ва дезинфекция);

д) юз берган нохуш ҳодиса тўғрисида билдиришнома (ахборот) тайёрлаш ва тегишли мансабдор шахсларга етказиш.

110. Хавфли юкларни ташишга ушбу тоифадаги автотранспорт воситаси ҳайдовчиси сифатида камида уч йил узлуксиз иш стажига ва автотранспорт ҳайдовчисини хавфли юкларни ташишни амалга ошираётган хавфли юкни ташишга қўйиш тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган ҳайдовчилар қўйилади.

111. Хавфли юкни ташишни амалга ошираётган ҳайдовчининг ёнида хавфли юкларни ташиш Қоидаларида назарда тутилган транспорт ҳужжатлари, шунингдек:

а) автотранспорт воситаси хавфли юкларни ташишга қўйилиши тўғрисидаги гувоҳнома;

б) автотранспорт воситаси ҳайдовчиси хавфли юкларни ташишга қўйилиши тўғрисидаги гувоҳнома (ушбу Қоидаларга 10-илова\*);

в) ХТАТнинг авария карточкаси;

г) юкни ташувчи, юкни жўнатувчи, юкни олувчининг мансабдор шахслари, ҳудудий ички ишлар органлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳаракатланиш йўналишида жойлашган навбатчи қисмларининг манзили ва телефон рақамлари;

д) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг сифимнинг хавфли юкларни ташиш учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси;

е) ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари билан келишилган йўналиш схемаси бўлиши керак.

112. Хавфли юкларни ташишда ҳайдовчига белгиланган ва ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари билан келишилган йўналишдан ва тўхтаб туриш жойларидан четга чиқиш, шунингдек белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш тақиқланади.

---

\* 10-илова рус тилидаги матнда берилган.

113. Автотранспорт воситаси йўлда бузилиб қолганда ва техник носозликни ҳайдовчининг кучи билан жойнинг ўзида бартараф этиш имкони бўлмаганда ҳайдовчи ташишларга техник хизмат кўрсатиш машинасини чақириши ва ўзи мажбурий тўхтаган жой тўғрисида энг яқиндаги ҳудудий ички ишлар органларига хабар қилиши керак.

114. Нохуш ҳодиса юз берганда ҳайдовчи:

а) бегона шахсларни нохуш ҳодиса жойига қўймаслиги;

б) юз берган нохуш ҳодиса тўғрисида энг яқиндаги ҳудудий ички ишлар органларига хабар қилиши керак. Авария вазияти юзага келганда, бунинг натижасида хавfli юк шикастланганда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий органларига хабар қилиши;

в) жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши;

г) авария бригадасини чақириши;

д) авария карточкасида кўрсатилганига мувофиқ нохуш ҳодиса оқибатларини бирламчи тугатиш чораларини кўриши ва хавfli юк ташилиши учун масъул бўлган шахсининг кўрсатмаларига мувофиқ иш кўриши;

е) ҳудудий ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органларнинг вакиллари юз берган нохуш ҳодиса жойига келгач уларни хавф ҳамда кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиши ва ташилаётган хавfli юкка транспорт ҳужжатларини кўрсатиши керак.

115. Хавfli юк ортилган автотранспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчига:

а) автотранспорт воситасини жойидан кескин силжитиш;

б) соатига 30 километрдан ортиқ тезликда ҳаракатланаётган транспортни айланиб ўтиш;

в) кескин тормоз бериш;

г) ишлаб турган улаш (сцепление) ва двигателлар билан ҳаракатланиш;

д) автомобиль йўлларининг доволон участкаларидан ўтиш вақтида тезлик ричагини бир позициядан бошқа позицияга ўтказиш;

е) ҳаракат вақтида автотранспорт воситасида чекиш (автотранспорт воситаси тўхтаб турган жойдан 50 м яқин бўлмаган жойда тўхташ вақтида чекишга рухсат берилади);

ж) очиқ оловдан фойдаланиш (истисно ҳолларда овқат тайёрлаш учун автотранспорт воситаси тўхташ жойидан камида 200 м масофада олов ёқиш мумкин);

з) автотранспорт воситасини назоратсиз қолдириш тақиқланади.

116. Хавfli юкни ташиётган автотранспорт воситасида бир вақтнинг ўзида товар-транспорт ҳужжатларида кўрсатилмаган бошқа юкни ҳамда бегона шахсларни ташиш тақиқланади.

117. Хавfli юкни ташиётган автотранспорт воситасини кузатиб бораётган ходимлар (ташиш учун масъул шахс, соқчилар, доземетрист ва бошқалар) ташкилотнинг — юкни ташувчининг ушбу йўналиш бўйича уларнинг хавfli юкларни кузатиб бориш ҳуқуқини тасдиқлайдиган махсус тайёргарликдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотномасига эга бўлишлари шарт. Маъ-

лумотнома кузатиб бораётганнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилганда ҳақиқий ҳисобланади.

118. Хавфли юклар билан ортиш-тушириш ишларини бажаришга қўлланадиган кўтариш-транспорт ускунасида камида уч йиллик стажга эга бўлган операторлар қўйиладилар.

Оператор ортиш-тушириш ишларини бажаришга техника хавфсизлигининг умумий қоидаларига риоя қилиши, бир йилда камида бир марта махсус тайёргарликдан ўтиши, тиббий кўрикдан ўтиши шарт.

Оператор ортиш-тушириш машинасининг техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориши шарт.

Хавфли юкни ортиш ёки туширишда нохуш ҳодиса юз берган тақдирда оператор:

- а) бегона шахсларни нохуш ҳодиса жойига қўймаслиги;
- б) авария бригадасини чақириши;
- в) жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши;
- г) авария карточкасида санаб ўтилган талабларга мувофиқ нохуш ҳодиса оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши;
- д) авария бригадаси ишига ёрдам бериши шарт.

Хавфли юклар билан ортиш-тушириш ишларини бажаришда операторнинг чекиши тақиқланади.

119. Хавфли юкларни қўлда ортиш-тушириш билан банд бўлган хизмат кўрсатувчи ходимларга хавфли юкларнинг ушбу турлари билан муносабатда бўлиш қоидалари бўйича махсус йўл-йўриқ берилиши ва улар иш давомида қўйидагиларга амал қилишлари керак:

- а) тегишли хавфли юкка ёзилган огоҳлантириш ёзувларида кўрсатилган талабларни қатъий бажариш;
- б) хавфли юк елқадан тушиб кетишига ва судралишига йўл қўймаслик;
- в) ортиш-тушириш ишлари бажарилаётган жойларда чекмаслик;
- г) ортиш-тушириш ишлари тамом бўлгандан кейин белгиланган талабларга мувофиқ иш кийимини зарарсизлантириш.

120. Авария бригадасининг хизмат кўрсатувчи ходимлари:

- а) махсус дастур бўйича дастлабки тайёргарликдан ўтиши;
- б) нохуш ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш бўйича ишлардан ҳар бирини бажариш тугатилгандан кейин режали тиббий кўрикдан ташқари қўшимча тиббий кўрикдан ўтиш;
- в) нохуш ҳодисалар оқибатларини тугатишга мўлжалланган мавжуд воситаларни тўлиқ техник созликда сақлаши шарт.

## **V. Ташишларни техник таъминлаш**

121. Хавфли юклар тўлиқ комплектли ва махсус автотранспорт воситалари учун амалдаги норматив ҳужжатларга (техник топшириқлар, тайёрлаш, синаш ва қабул қилишга техник шартларга) ҳамда автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га техник ҳужжатларга му-

вофиқ тайёрланиши керак бўлган фақат махсус ёки махсус мослаштирилган автотранспорт воситалари билан ташилиши керак.

122. Енгил алангаланадиган моддаларни ташиш учун мунтазам фойдаланиладиган автотранспорт воситалари радиаторнинг олдида ўнг томонда қия ҳолда қўйилган ҳолда глушител (шовқинни пасайтирадиган мослама)нинг чиқариш қувури билан жиҳозланиши керак. Агар двигателнинг жойланиши бундай қайта жиҳозлаш имконини бермаса, у ҳолда тутун чиқарадиган қувурни ўнг томонга кузов ёки цистерна ва ёнилғи коммуникацияси зонасидан ташқарига чиқаришга йўл қўйилади.

Тутун чиқариш қувури истеъмолчи томонидан олиб қўйиладиган алангани ўчирувчи қурилмаси ўрнатиш имконини таъминлаши керак.

123. Ёнилғи баки аккумулятор батареясидан узоқликда ёки ундан ўтиб бўлмайдиган тўсиқ билан ажратилган бўлиши, шунингдек двигатель, электр симлари ва тутун чиқарадиган қувурдан узоқда бўлиши ҳамда бакдан ёқилғи оққанда ташилаётган хавфли юкка тушмасдан бевосита ерга қўйиладиган тарзда жойлашган бўлиши керак. Бак, бундан ташқари туби ва ёнларидан химояга (филоф)га эга бўлиши керак. Ёнилғи двигателга ўз-ўзидан берилмаслиги керак.

124. Автотранспорт воситасидан 2, 3, 4 ва 5 даражали хавфли юкларни ташиш учун бир марта фойдаланилган тақдирда глушителнинг чиқариш трубаши чиқиш ўйиғига алангани ўчирувчи тўр ўрнатилишига йўл қўйилади.

125. 2, 3, 4 ва 5-даражали хавфли юкларни ташийдиган воситаларнинг электр ускуналари қўйидаги талабларни қондириши керак:

а) электр ускунасининг номинал кучланиши 24 вольтдан ортиқ бўлмаслиги керак;

б) электр сими коррозияга учрамайдиган чоксиз қобиқ билан химояланган симлардан иборат бўлиши ҳамда унинг қизиқ кетишини тўлиқ олдини оладиган тарзда ҳисоблаб чиқилган бўлиши керак;

в) электр тармоғи юмшоқ предохранителлар ( заводда тайёрланган) ёки автоматик виключателлар ёрдамида оширилган юкламадан сақланган бўлиши керак;

г) электр ўтказма ишончли изоляцияга эга бўлиши, мустаҳкам маҳкамланиши ва автотранспорт воситасининг конструктив қисмларига урилиш ва ёрилишларидан зарар кўрмайдиган тарзда жойлаштирилиши ҳамда совутиш тизимидан ажралиб чиққан иссиқликдан ва ишлатилган газлардан химояланган бўлиши керак;

д) агар аккумуляторлар двигатель капоти остига жойлаштирилмаган бўлса, у ҳолда улар изоляцияловчи ички деворлар билан эквивалент мустаҳкамликда металлдан ёки бошқа материалдан вентиляция қилинадиган бўлмада бўлиши керак;

е) автотранспорт воситаси аккумуляторни электр занжиридан икки полосали виключатель (ёки бошқа восита) ёрдамида ажратиш учун мосланган бўлиши керак, у имкони борича аккумуляторга яқин жойида бўлиши керак. Виключателни бошқариш — тўғридан-тўғри ёки масофадан туриб бошқариш приводи ҳам ҳайдовчининг кабинасидан, ҳам автотранспорт воси-



тасининг ташқарисида бўлиши керак. У осон топилиши ва фарқ қиладиган белги билан белгиланиши керак. Включатель ишлаб турган двигателда электр занжирининг хавфли ортиқча юкмасини келтириб чиқармасдан унинг контакти ишлаётган двигателда уланадиган тарзда бўлиши керак.

ж) резбали цоколга эга бўлган лампалардан фойдаланиш тақиқланади.

Автотранспорт кузовларининг ичида ташқи электр симлар тармоғи бўлмаслиги керак, кузов ичидаги ёритиш электр лампалари мустаҳкам тўсувчи тўр ёки панжарага эга бўлиши керак.

126. Автотранспорт воситалари учқунга хавфсиз бўлган материалдан 200 мм узунликдаги ерга тегиб турадиган металл занжир ва тўхташ жойида статистик ва атмосфера электр зарядларидан химоя қилиш учун металл штир билан жиҳозланган бўлиши керак.

Нефть маҳсулотлари ташийдиган автоцистерналар камида 2,5 мм кесимли ва нефть маҳсулотларини оқизиш ва қуйишда ерга уланиш учун камида 20 мм узунликдаги эгилувчан қўп томирли сим билан жиҳозланган бўлиши керак.

127. «Фургон» типдаги кузовли автотранспорт воситасида кузов тўлиқ ёпиқ бўлиши, мустаҳкам бўлиши, тиркишлари бўлмаслиги ҳамда ташилаётган хавфли юкнинг хоссасига қараб тегишли вентиляция тизими билан жиҳозланиши керак. Ички қоплаш учун учқун чиқармайдиган материаллардан фойдаланилади, ёғоч материаллар ўтга чидамли модда билан қопланиши керак. Эшиклар ёки эшикка қулф солинган бўлиши керак. Эшик ёки эшиклар конструкцияси кузовнинг қаттиқлигини пасайтирмаслиги керак.

Очиқ кузовларни қоплаш учун брезентдан фойдаланилган ҳолларда, у ўт олиши қийин бўлган ва сув ўтказмайдиган матодан тайёрланиши ва бортни улар даражасидан 200 мм ёпиши ҳамда запор мосламали металл рейкалар ёки занжирлар билан маҳкамланиши керак.

128. Автотранспорт воситасида орқа томонда бутун цистернада кенгликда зарбалардан етарли даражада сақлайдиган бампер бўлиши керак. Цистернанинг орқа девори билан бампернинг орқа қисми ўртасидаги масофа камида 100 мм ни ташкил этиши керак (ушбу масофа цистерна деворининг чет орқа нуктасидан бошлаб ёки ташилаётган моддага тегиб турган чиқиб турувчи арматурадан бошлаб ўлчанади).

129. Қувурлар ва резервуарнинг юқори қисмига ўрнатилган цистерналарнинг ёрдамчи ускуналари силкитилган ҳолда шикастланишлардан химояланган бўлиши керак. Бундай химоя конструкцияси шакли самарали химояни таъминлаши керак бўлган кучаядиган ҳалқалар, химоя қопқоқлари, узун ёки бўйлама элементлар шаклида тайёрланиши керак.

130. Автотранспорт воситаси қўйидаги соз инструментлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланиши керак:

а) автотранспорт воситасини авария юз берганда таъмирлаш учун қўлда ишлатиладиган асбоблар тўплами;

б) ёнғинни ўчириш учун белкурак ва қумнинг зарур захираси;

в) ҳар бир автотранспорт воситаси учун камида битта юриб кетишдан

сақлайдиган тиргак, тиргакнинг ўлчами автотранспорт воситаси типига ва унинг филдираги диаметрига мувофиқ бўлиши керак;

г) тўқ сариқ рангли ўчиб ёнадиган (ёки доимий) автоном таъминландиган иккита фонар. Улар улардан фойдаланиш хавфли юкларнинг ёнишини юзага келтирмайдиган тарзда конструкцияланган бўлиши керак. Тунда тўхтаганда ёки кўриш яхши бўлмаганда, агар автотранспорт воситасининг чироқлари носоз бўлса, битта фонар тахминан 10 м масофада автотранспорт воситаси олдига ва бошқаси тахминан 10 м масофада автотранспорт воситасининг орқасида ўрнатилади;

д) дори қутиси ва ташиладиган хавфли моддаларни нейтраллаштириш воситалари.

Юкларни хавфсиз ташиш шартларида ва авария карточкасида назарда тутилган ҳолларда автотранспорт воситаси ташилаётган хавфли моддани нейтраллаштириш ҳамда ҳайдовчи ва қузатувчи ходимнинг якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан бутланиши керак.

131. ХТАТ жадвалларини автотранспорт воситаларига маҳкамлаш уларнинг ишончли фиксациясини таъминлайдиган махсус қурилмалар ёрдамида бажарилиши керак.

ХТАТ жадваллари автотранспорт воситасининг олдида (бамперда) ва орқада, транспорт воситасининг рақами белгиларини ва ташқи чироқлари приборларини тўсмаган, шунингдек автотранспорт воситасининг габаритларидан туртиб чиқмаган ҳолда унинг бўйлама ўкига перпендикуляр жойлаштирилиши керак.

132. Хавфли юкларни ташиш учун газ генераторли автотранспорт воситаларини қўллаш тақиқланади.

133. Хавфли юкларни ташийдиган автотранспорт воситаларига биттадан ортиқ тиркама ёки ярим тиркама тиркалмаслиги керак.

134. Ҳар бир ўриннинг брутто массаси ва биринчи ўрам сифими хавфли юкларга норматив ҳужжатларга белгиланган чекланган масса ва сифимдан ортиқ бўлмаслиги керак.

135. Хавфли юкларни ўраб жойлаштириш махсулотга норматив ҳужжатларга идиш ва ўрамнинг аниқ турларига (типларига) мувофиқ бўлиши ҳамда хавфли юкларни ортишда, туширишда, уларни транспортда ташишда ва сақлашда уларнинг сақланишини таъминлаши керак.

136. Қистирма идиш тайёрланган материал ва қистирма материаллар ташилаётган хавфли юкнинг специфик хоссалари ҳисобга олинган ҳолда танланади ҳамда ушбу хавфли юкка нисбатан инерт бўлиши ёхуд инерт қопламага эга бўлиши керак.

137. Пластмасса идишнинг материали ичидаги суюқликни ўтказмайдиган бўлиши, юшамаслиги ва ҳарорат ёки эскиришнинг таъсири остида мўрт бўлиб қолмаслиги керак.

138. Гофриланган ва бошқа картон яшиқлар етарлича мустаҳкам ва сувга чидамли бўлиши керак (намланганда механик мустаҳкамлашни сақлаши керак). Хавфли юкларни фойдаланилган картон яшиқларда ташиш тақиқланади.

139. Шиша бутилкалар (идишлар) оғзи мустаҳкам бекитилган ва мустаҳкам яшиқлар, барабанлар, тўрларга жойлаштирилиши ёки ўралиши, саватга жойлаштирилиши керак. Оралиқ жойлар инерт қистирма сингиб олувчи материаллар билан тўлдирилиши керак. Бутилканинг оғзи тўр ёки корзинанинг четидан чиқиб турмаслиги керак.

140. Герметик ёпилиши талаб қилинадиган кавшарланиши ёки металл идиш прокладкали ва стопорли бураладиган тиқин билан жиҳозланиши, намунага олинган босимнинг миқдорини ва охириги синов (синаб кўриш) санасини кўрсатадиган ёзувларга эга бўлиши керак.

141. Суюқликлар ва буғ босими катта бўлган газларни ташишга мўлжалланган баллонлар босим остида ишлайдиган идишларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига жавоб бериши керак.

142. Суюқликлар ташишга мўлжалланган идишлар тўлиқ тўлдирилмаслиги керак, идишларни ташиладиган суюқликлар билан тўлдириш уларнинг тўлиқ сиғимининг 90 фоизини ташкил этиши керак (сувли аммиак ва суюлтирилган углеводород газлар учун — 85%).

143. Хавфли юкли идиш (ўрам) автотранспорт воситаси кузовига ишончли маҳкамланиши керак. Хавфли юкни контейнерларда ташишда айрим юк ўринлари ўлчами, контейнер ичида хавфли юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш тартиби, шунингдек контейнерларга юк ортиш ва тушириш билан боғлиқ бошқа масалалар ушбу Қоидаларга мувофиқ белгиланади.

144. Ушбу Қоидаларда назарда тутилган идишдан ташқари, ушбу Қоидаларда идишга қўйиладиган талабларга зид бўлмаслиги шарти билан қўшимча ташқи идишдан фойдаланиш мумкин. Бундай қўшимча идишдан фойдаланилганда унга кўрсатилган огоҳлантириш ёзувлари ва манипуляция белгилари ёзилади.

145. Бир нечта хавфли моддалар биргаликда ўралишига ёки уларни турли хавфли моддалар мавжуд бўлган турли даражаларга тегишли бошқа юклар билан бирга ўрашга имкони борича йўл қўйилмаслиги керак.

Авария юз берган ёки идиш синган тақдирда хавфли реакциялар оқибатларидан (хавфли иссиқлик ажралиб чиқиши, ёниш, ишқаланиш ёки зарбага сезувчан бўлган аралашмалар ҳосил бўлиши, алангаланувчи ёки захарли газлар ажралиб чиқиши) қочиш мақсадларида биргаликда ўраш зарур бўлган тақдирда ички идиш йиғма идишда бир-биридан пухта ва самарали тарзда ажратилган бўлиши керак.

Нозик идишни қўллашда ва, айниқса, ушбу идишларнинг ичида суюқликлар бор бўлганда тегишли қистирма материалнинг етарлича сони қўлланилган ҳолда хавфли аралашмалар ҳосил бўлишидан, идишларни иккинчи мустаҳкам идишга жойлаштиришдан, йиғма идишни бир нечта секцияларга бўлишдан қочиш зарур.

146. Хавфли юкларни тайёрловчи томонидан хавфли юкнинг ҳар бир ўрамига огоҳлантирувчи ёзувлар ва манипуляция белгилари босилиши керак (ушбу Қоидаларга 11-илова\*).

---

\* 11-илова рус тилидаги матнда берилган.

147. Хавф белгилари:

а) параллелепипед шаклига эга бўлган ўрамларга (шу жумладан контейнерлар, контейнер-цистерналар ва пакетларга) — ён, чет ва юқори юзларга;

б) бочкаларга — тубидан бирига ва икки қарама-қарши томонга;

в) қопларга — икки томондан чокнинг юқори қисмига;

г) боғлам ва тугунларга — чекка ва ён юзларга босилади.

Идишларнинг бошқа турларига хавф белгилари энг қулай ва кўринарли жойларга босилади.

148. Манипуляция белгилари хавф белгиларидан кейин босилади.

149. Агар хавфли юк биттадан ортиқ хавф турига эга бўлса, у ҳолда ўрамга ушбу хавфлар турларини кўрсатувчи хавфлиликнинг барча белгилари босилади. Даража рақами хавфнинг асосий тури белгисига босилади.

150. Кўтариш-автотранспорт ускунаси тўлиқ техник соз ҳолатда бўлиши ва ёнғин хавфсизлиги талабларига ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси қоидаларига жавоб бериши, кранлар, чиғир ва бошқа юк кўтариш механизмларининг юк кўтариши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши, шунингдек хавфли юклар қулашдан ишончли тўсилган бўлиши керак.

151. Хавфли юкни кўтарадиган чиғир ва юк кўтариш машиналари стреласи қулочини ўзгартириш қурилмаси, қоидага кўра, иккита форма билан жиҳозланиши керак. Битта тормоз мавжуд бўлган тақдирда юклама унинг номинал юк кўтаришининг 75 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

152. Хавфли юклар билан ишлашда банд бўлган юк кўтариш машиналарида қўлланиладиган электр двигателлари портлаш хавфсиз тайёрланиши керак.

153. Далолатномалар тузиш, эътироз ва даъволар қўзғаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **VI. Хавфли юкларнинг айрим классларини ташишни ташкил этиш ва техник таъминлаш хусусиятлари**

154. Сиқилган ва суюлтирилган газ солинган баллонларни ташишга баллонлар ва уларнинг арматуралари, зағлушкалари тўлиқ соз бўлганда ҳамда баллонларда:

а) сиқилган ва суюлтирилган газ солинган баллонлар бўялган ва уларга ёзувлар ёзилганда (ушбу Қоидаларга 12-илова\*);

б) предохранитель қопқоғи;

в) хавф белгилари;

г) баллоннинг рақами;

д) бўш баллон массаси;

е) техник кўрикдан ўтказилганлик тўғрисидаги белги (тамға) ва унинг кейинги муддати;

---

\* 12-илова рус тилидаги матнда берилган.

ж) ишчи ва намуна олинадиган босим мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

155. Баллонларни газ билан тўлдириш белгиланган нормалар бўйича амалга оширилади. Бу ҳақда товар-транспорт юк хатига қўйидаги белги қўйилади: «Баллонлар белгиланган нормадан ортиқча тўлдирилмаган», шунингдек «Баллонлар герметикликка, газ чиқмаётганлигига текширилган» деган ёзув қайд этилади.

Агар:

- а) тайинланган кўриқдан ўтказиш муддати тамом бўлган бўлса;
- б) арматура ва назорат-ўлчаш асбоблари йўқ бўлса ёки носоз бўлса;
- в) зарур тарздаги бўёқ ёки ёзувлар бўлмаса;
- г) ғовак массани текшириш муддати тамом бўлган бўлса;
- д) баллон корпуси шикастланган бўлса;
- е) вентиль носоз бўлса;
- ж) зарур тарздаги бўёқ ёки ёзувлар бўлмаса;
- з) ортиқча газ босими бўлмаса;
- и) белгиланган тамға мавжуд бўлмаса цистерна ва бочкаларни газ билан тўлдириш тақиқланади.

156. Бортли автомобилларда сиқилган ва суюлтирилган газ солинган баллонлар:

а) баллонлар диаметри ўлчами бўйича қирқилган уяли, кузов ичидаги вентиллар билан махсус ёғоч тагликларда горизонтал ҳолатда;

б) зарбалардан ҳимоя қилиш учун камида 55 мм диаметрли резина ёки арқондан тайёрланган баллонларга ўрнатилган ҳалқалар билан вертикал ҳолатда ташилади. Автомобилларга юк ортиш чегараси йўлларнинг қоида-сига қараб белгиланади.

157. Ёз вақтида газ тўлдирилган баллонларни ташишда баллонлар қуёш нурларидан исидан ҳимоя қилиш мақсадида брезент билан тўсилиши, бундан ташқари бортли автомобилларда иккита карбонат кислотали ёки кукунли ўт ўчиргич ўрнатилган бўлиши керак, сўл бортнинг олд бурчагига кизил байроқча ўрнатилади.

158. Босим остидаги сиқилган ва суюлтирилган газларни ташиш учун қўлланиладиган автотранспорт воситалари (цистерналар ва бочкалар) қўшимча равишда қўйидаги ёзувларга эга бўлиши керак:

- а) тайёрловчи заводнинг номи;
- б) цистернанинг завод рақами;
- в) тайёрланган йили ва кўриқдан ўтказилган сана;
- г) бўш ҳолатда юриладиган қисм билан бирга цистерна массаси (умумий оғирлик тонналарда);
- д) м<sup>3</sup>да сифим;
- е) ишчи ва намунавий босим миқдори кг/см<sup>2</sup>да, тайёрловчи завод ТНБ тамғаси;

ж) цистернанинг рўйхатдан ўтказиш рақами (цистерна ёки бочка «Санотгеоконттехназорат» давлат инспекцияси органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин уларнинг эгаси томонидан бўёқда ёзилади).

159. Автотранспорт воситаларида — цистерналар, бочкаларда қуйидаги асбоб-ускуналар ўрнатилган бўлиши керак:

- а) ташиладиган газларни тўлдириш ва чиқариш (қуйиш) учун вентиль;
- б) ташиладиган газларнинг буғини танлаш учун вентиль;
- в) иккита предохранитель клапани;
- г) манометр;
- д) суюқлик даражасини назорат қилиш қурилмаси;
- е) автоцистернани газнинг аварияли сарфларидан ўз-ўзидан химоя қилувчи қурилма.

Суюлтирилган газ учун цистерна ва бочканинг ҳар бир тўлдириш ва қуйиш вентили маҳкам бураладиган зағлушка билан таъминланган бўлиши керак.

160. Газни аварияли чиқариб юборишда (зарурият бўлган тақдирда) қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

- а) газни чиқариб юбориш районида бегона шахсларнинг 100 метрдан яқин масофада туриши тақиқланади. Энг яқин иморатгача ёки аҳоли пунктларигача бўлган масофа камида 1000 метр бўлиши керак;
- б) газ чиқариб юборилаётганда автотранспорт воситасининг двигатели ўчириб қўйилган бўлиши, автотранспорт воситаси ва газни чиқариб юбориш коммуникациялари ишончли ерга уланган бўлиши керак;
- в) цистернадаги босим минутига 0,1 кг/см<sup>2</sup>дан ортиқ бўлмаган тезликда пасайиши керак;
- г) газни чиқариб юбориш шамолнинг эсиши бўйича автотранспорт воситаси, аҳоли пунктлари ва иморатлардан бошқа томонга қараб амалга оширилиши керак.

161. Буғ босими +50 °С ҳароратда 300 КПа (3 бара)дан ортиқни, аланга олиш ҳарорати 100 °Сдан ортиқ бўлмаган суюқликлар энгил алангаланадиган суюқликлар деб ҳисобланади.

162. Оксидланадиган суюқликлардан (эфирлар ва баъзи гетероциклик кислород моддалари) бўлган энгил алангаланадиган суюқликлар, агар уларнинг таркибидаги перексид микдори 0,3 фоиздан ошмаган тақдирда ташишга қўйилади.

163. Таркибида ёнувчи моддалар бўлган дорихона, москал, атторлик товарлари ва бошқа аралашмалар, агар ушбу аралашмаларнинг алангаланиш ҳарорати 100°Сдан паст бўлса хавфли юкларга тегишли бўлади.

164. Газнинг суви билан тўкнашганда ажралиб чиқадиган энгил алангаланадиган моддалар ёпиқ кузовли автотранспорт воситасида герметик идишда ташилиши керак.

Энгил алангаланадиган моддаларни ташиш учун товар-транспорт юк хатига «Сувдан алангаланади» деган белги қўйилиши шарт.

165. Энгил алангаланадиган модда турига қараб:

- а) натрий металл ва бошқа ишқорланадиган металллар — кам ёпишқоқ минерал мой ёки керосин билан тўлдирилган 10 килограммгача оғирликдаги банкаларга ва 100 килограммгача оғирликдаги темир бочкаларга герметик жойлаштирилади;

б) оқ ва сариқ фосфор сувда металл билан кавшарланган банкаларда ташилади, банкалар ёғоч яшикларга жойлаштирилади;

в) қизил фосфор герметик ҳолда металл банкаларга жойлаштирилади. Банкаларнинг оғирлиги 16 килограммдан ортиқ эмас. Банкаларнинг герметиклигига таглик материалларни қўллаш орқали эришилади;

г) банкалар ташиш учун ёғоч яшикларга ёки фанер барабанларга жойлаштирилади. Бир юк жойининг умумий оғирлиги 95 килограммдан ортиқ бўлмаслигига йўл қўйилади;

д) киноленталар, рентген плёнкалари ва бошқа шунга ўхшаш хавфли юклар металл яшикларга жойлаштирилган металл қутиларда ташилади, ўрамнинг умумий оғирлиги 50 килограммгача;

е) кальций карбид ва бошқа шунга ўхшаш хавфли юклар темир барабанларга жойлаштирилади. Ўрамнинг оғирлиги 100 килограммдан ортиқ бўлмаслиги керак;

ж) таркибидаги сув билан камида 10 фоиз намликдаги нитрат аммоний, никрин кислота, азот оксидли карбамид, тринитробензол, тринитробензой кислота ёки тринитротолуол ёки таркибида камида 20 фоиз сув бўлган намликдаги цикорий пикромат шиша идишда ташилади. Бир упаковкадаги хавфли юк оғирлиги 1 килограммдан ортиқ бўлмаслиги керак. Шиша идишлар ташиш учун ёғоч яшикларга жойлаштирилади;

з) олтингугурт ва нафталин эритилган ҳолатда автомобиль-цистерналарда ташилиши мумкин.

166. Эритилган олтингугурт ёки нафталинни ташиш учун қўлланиладиган цистерналар камида 6 мм қалинликдаги листланган пўлатдан тайёрланган ёки худди шундай механик мустаҳкамликка эга бўлган алюминий қотишмасидан тайёрланиши керак ва:

а) цистерна ичида деворларда камида 70 °С ҳароратни қўллаб-қувватлаш учун термоизоляцияга;

б) 0,2 дан 0,3 кг/см<sup>2</sup>гача босим остида ичкарига ёки ташқарига очиладиган клапанга эга бўлиши керак. Эритилган олтингугурт ёки нафталинни ташиш учун фойдаланиладиган цистернадаги клапанлар, агар цистерна 2 кг/см ишчи босимга мўлжалланган бўлса, бўлмаслиги мумкин.

167. Оксидланадиган моддалар ва органик пероксидлар стандарт завод ўрамида ташилиши мумкин.

168. Оксидланадиган моддалар ва органик пероксидларни ортиш-тушириш ва ташишда ўз-ўзидан алангаланишдан, ёнғин ёки портлашдан сақланиш учун ёғоч кипиклар, похол, кўмир, торф, майда заррали чанг ва бошқа органик моддалар билан ифлосланиши ёки аралашидан қочиш зарур.

169. Енгил эрийдиган пероксидларни ортиш, тушириш ва ташишда қуйидаги ҳарорат режими сақланиши керак:

диоктаноил ва дикаприлнинг техник тоза пероксидлари +10 °Сдан юқори эмас;

ацетил-циклогексансульфонил пероксиди -10 °С;

диизопропил корбонт пероксидлари +20 °С;

третбутил перпивалти -10 °С;

флегматизатор билан +2 °С;

эритувчи билан -5 °С;

3,5; 5 пероксиди — секинлаштирувчи билан эритмадаги триметилген-саноил (20%) -0 °С;

бис-деканойннинг техник тоза пероксиди +20 °С;

диперларгонилнинг техник тоза пероксиди -0 °С;

этилгенсаноат бутилнинг техник тоза 2-пероксиди +20 °С;

секинлаштирувчи ёки эритувчи билан генсилнинг карбонат бис-этил 2 пероксиди (55%) -10 °С;

эритма билан учламчи бутил перизонитрати (25%) - +10 °С.

170. Органик пероксидларни ташиш учун фойдаланиладиган изометрик кузовли автомобиллар-фургонлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) атроф муҳит ҳароратидан қатъи назар, ҳарорат режимини таъминлаши;

б) ҳайдовчининг кабинасига ташилаётган пероксидларнинг буғлари киришидан сақлаши;

в) ташилаётган хавфли юкларнинг ҳарорати ҳолати устидан ҳайдовчининг кабинасидан туриб назорат қилишни таъминлаши;

г) орқа ҳарорат режимини бузмайдиган тегишли вентиляцияга эга бўлиши;

д) қўлланиладиган совутувчи моддалар алангаланмайдиган бўлиши керак.

Совутиш учун суюқ кислород ёки хаводан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Органик пероксидларни ташиш учун автотранспорт воситаларидан тиркамалар-рефрижераторлардан фойдаланишда уларнинг совутиш қурилмаси автотранспорт воситаси двигатели ишлашидан қатъи назар, ишлаши керак.

171. Енгил парчаланадиган пероксидларни қисқа масофага ташишда ташишга ва ортиш-тушириш операцияларини бажаришга сарфланадиган бутун вақт мобайнида зарур ҳарорат режимини таъминлайдиган совутиш реагентлари билан махсус сақловчи ўрамлар қўлланилишига рухсат берилади.

172. Оксидланадиган моддалар ва органик пероксидларни юклашдан олдин автотранспорт воситаларининг кузови чангдан ва уларда олдин ташилган юкларнинг қолдиқларидан пухта тозаланиши керак.

173. Заҳарли моддаларни ташишга фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарори талабларига мувофиқ лицензияга эга бўлган юридик шахсларга рухсат берилади.

Заҳарли моддалар автотранспорт воситаларида ташишга завод ўрамида қабул қилинади.

174. Алоҳида хавфли заҳарли ва инфизициланган моддаларни ташиш ўқ отар қурол билан қуролланган соқчилар ҳамроҳлигида амалга оширилади.

175. Ёз вақтида (апрель — октябрь) цианид кислотани ташиш юк ўринларини қуёш нурлари таъсиридан ҳимоя қилиш чораларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Юк ўринлари брезент билан ёпилганда у ташилаётган юкнинг устида камида 20 см баландликда бўлиши керак.



176. Инфицирланган моддалар ташқи муҳитдан ажратилишини таъминлайдиган махсус жиҳозланган автотранспорт воситасида ташилади. Ташишдан кейин автотранспорт воситалари дезинфекция қилинади.

177. Захарли моддалар билан ортиш-тушириш ишлари ортиш (тушириш) пунктига бегона шахсларнинг киришини истисно қиладиган ишончли қўриқлаш билан таъминланган ҳолда амалга оширилади.

178. Радиоактив моддаларни ташиш ушбу Қоидалар, 0193-06-сон СанҚ ваН ҳамда МАГАТЭ-ST-1 қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

179. Радиоактив моддалар турлари МАГАТЭ-ST-1 қоидалари билан белгиланади.

180. Таркибида сульфат кислота мавжуд бўлган кўрғошин тошқалини ташишда автотранспорт воситасининг кузови ичкаридан парафин ва қатрон сурилган картон қопланиши керак, кўрсатиб ўтилган хавфли юкни брезент остида ташишда брезентнинг юк билан бевосита туташшига йўл қўйилмайди.

181. Ўювчи ва коррозияли моддаларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси ёнувчи қолдиқлардан (похол, пичан, қоғоз ва ҳоказолардан) тозаланиши керак. Коррозияни келтириб чиқарадиган сиқилган газларни ташиш учун мўлжалланган цистерналар ва бочкаларда тамғалаш жойи паспорт маълумотлари туширилгандан кейин коррозияга қарши рангсиз лок билан қопланиши керак.

182. Кислоталар билан ортиш-тушириш ишларини амалга оширишда хизмат кўрсатувчи ходимларни химоя қилишнинг қўйидаги воситалари қўлланилади:

- а) кислотага қарши фартук;
- б) мовут костюм;
- в) резина қўлқоплар;
- г) кўзойнақлар ёки ниқоблар.

Ип газламадан тикилган кийимга кислотага чидамли модда шимдирилмасдан кислоталар билан ишлаш тақиқланади.

183. Ишқорлар билан ортиш ва тушириш ишларини бажаришда кислота билан ишлашдаги каби химоя воситаларидан ва кислотага чидамли модда шимдирилган костюмдан фойдаланилади.

184. Транспортда ташишда нисбатан паст хавфли моддаларга қўйидагилар тегишлидир:

а) ёнувчи моддалар ва материаллар (эфирлар, нефть махсулотлари, коллоид олтингугурт, аммоний динитроортокрезолат, кунжара, балиқ уни, қатрон, ёғоч қириндиси);

б) муайян шароитларда ўювчи ва коррозияловчи моддалар (оксидловчилар, сўндирилмаган оҳак, натрий сульфитлар ва калий, аммоний тузи);

в) кучсиз захарли моддалар (пестицидлар, шоциантлар, бўёқлар, техник мойлар, мис бирикмаси, аммоний карбомид, захарли уруғлар ва мевалар, анод масса);

г) аэрозоллар.

185. Ушбу Қоидаларнинг 184-бандида санаб ўтилган моддалар ушбу Қоидаларнинг умумий талабларига мувофиқ ташилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига киритилаётган ўзгартириш**

Йўл ҳаракати қоидаларига 4-илова матни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«ХАВФЛИЛИК БЕЛГИЛАРИ»**

1



Портловчи моддалар  
ва 1.1, 1.2 ва 1.3 кичик  
класслар буюмлари

2



Портловчи моддалар  
ва 1.4 кичик класс  
буюмлари

3



Портловчи моддалар  
ва 1.5 кичик класс  
буюмлари

4



Портловчи моддалар  
ва 1.6 кичик класс  
буюмлари

5



Алангаланмайдиган,  
нетоксик газлар

6



Тез алангаланадиган  
газлар ва суюқликлар

7



Тез алангаланадиган  
қаттиқ моддалар, ўзи  
реактив моддалар ва  
десенсибилашган  
портловчи моддалар

8



Ўз-ўзидан ёнувчи  
моддалар

9



Сув текканда тез  
аланганадиган газ  
ажратувчи моддалар

10



Оксидловчи  
моддалар

11



Органик  
пероксидлар

12



Токсик моддалар

13



Инфекцияли  
моддалар

14



I тоифали радиоактив  
материаллар

15



II тоифали радио-  
актив материаллар

16



III тоифали радио-  
актив материаллар

17



Коррозияланувчи  
моддалар

18



Бошқа хавфли  
моддалар ва буюмлар

### АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

**	*
	***

1	ҚУРУҚ МОДДАЛАР ҚЎЛЛАНСИН, СУВ ҚЎЛЛанилмасин!
2	КИЧИК СУВ ОҚИМЛАРИ ҚЎЛЛАНСИН!
3	СОЧМА СУВ ЁКИ ИНГИЧКА ОҚИМ ҚЎЛЛАНСИН!
4	КЎПИК ҚЎЛЛАНСИН!
5	ОҚОВА СУВГА МОДДАЛАР ТУШУШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНСИН!
N	НАФАС ОЛИШ АППАРАТИ ВА ҲИМОЯЛОВЧИ ҚЎЛҚОПЛАР ҚЎЛЛАН- СИН!
УО	ФАҚАТ ЁНҒИН ЧИҚҚАНДА НАФАС ОЛИШ АППАРАТИ ВА ҲИМОЯ- ЛОВЧИ ҚЎЛҚОПЛАР ҚЎЛЛАНСИН!
К	ҲИМОЯЛОВЧИ КИЙИМ-БОШЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТЎПЛАМИ ВА НАФАС ОЛИШ АППАРАТИ ҚЎЛЛАНСИН!
Е	ОДАМЛАР ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ЗАРУР!

\* — Ёнғин ёки модда сизиб чиққандаги шошилиш чоралар коди.

\*\* — Хавфлилик белгиси.

\*\*\* — БМТ тартиб рақами.